

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 9 (584.4)*

БОБОЖОНОВА ФЕРУЗА ХАЯТОВНА

**БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
(XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА)**

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Диссертация иши Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти “Тарих ва фалсафа” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

тарих фанлари доктори
Зияева Доно Ҳамидовна

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори, профессор
Абдурахимова Нодира Абдуловна

тарих фанлари номзоди
Эрназаров Файзулло Нарзуллаевич

Етакчи ташкилот

Тошкент давлат педагогика университети

Ҳимоя 2011 йил _____ ойининг _____ куни соат _____ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.01 – “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. e-mail: kengash@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ).

Автореферат 2011 йил _____ ойининг _____ куни тарқатилди

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби т.ф.н., доц.**

А.А. Одилов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида миллий истиқлол туфайли нафақат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, балки маънавий тикланиш ва ўзликни англаш, миллий кадриятларни тиклаш учун ҳам кенг имкониятлар юзага келди. Жамият тараққиётини таъминлашда, айниқса, юксак маънавиятга эришиш йўлида белгиланган мақсад ва вазифалар, таълим ислохотларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури¹ ва Таълим тўғрисидаги Қонун² амалиёти муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тасодифан пайдо бўлгани йўқ – бу айнан шу халқимизнинг қон-қонига сингиган маърифат қонуниятининг давоми”³ бўлиб, “маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди”⁴.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, дастур ва қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишда бу борада Бухоро амирлигида асрлар давомида ривожланиб келган бой тажриба мактабини ўрганиш, тегишли сабоқ чиқариш, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маънавий-ахлоқий кадриятлар чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, уларни шакллантиришда анъанавий таълим тизими муҳим роль ўйнаган.

Аmmo совет даври тарихшунослигида Бухоро амирлигидаги маънавий ҳаёт ва таълим тизими ҳукмрон мафкура тазйиқи остида бир ёқлама ёритиб келинди. Жаҳон илм-фанига Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий каби буюк мутафаккирларни етиштириб берган минтақадаги анъанавий таълимнинг сўнгги ўрта асрларга келиб қолоқликка юз тутиш сабаблари, уларга таъсир этган омиллар, оқибатлари холисона таҳлил этилмади, анъанавий таълим масканлари асосиз равишда жаҳолат ва қолоқлик намунаси, диний хурофот ўчоғи сифатида қоралаб келинди.

Ваҳоланки, Президент Ислом Каримов эътироф этганидек, “ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган”⁵.

Бухоро амирлигидаги анъанавий таълим тизимида сўнгги асрларда ҳақиқатан ҳам турғунлик ва замон талабларидан ортда қолиш ҳолатлари

¹ Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 20-29.

² Ўша жойда. – Б. 31-62.

³ Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.106.

⁴ Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 1995, 24 февраль.

⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 60.

яққол намоён бўла бошлаган эди. Аммо тарихий адабиётларда бу ҳолатлар ўта умумлаштирилган ва танқидий ёндашув асосида, чекланган доирада, маиший шаклларда таърифланди, уларни тубдан ислоҳ этиш ҳаракатлари чуқур ёритилмади, архив фондларида, кўлёзма асарларда, даврий адабиётларда мазкур муаммога оид зиддиятли характердаги муҳим тарихий манбалар эътибордан четда қолди, илмий истеъмолга киритилмади.

Айнан шу ҳолатлар, яъни муаммонинг тарих фанида ҳозиргача ўзининг чуқур илмий ва ҳолисона баҳосини олмаганлиги, ушбу муаммога оид кўплаб тарихий манбалар ҳанузгача ўрганилмаганлиги, улар орқали ижтимоий, маънавий воқеликнинг кўплаб масалаларига ойдинлик киритишга эришиш мумкинлиги ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини яна бир бор асослаб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган даврда Бухоро амирлигида амал қилган анъанавий таълим муассасалари савод чиқариш ўчоғи сифатидагина эмас, балки суд тизими, масжидлар, мадрасалар учун кадрлар тайёрлаш маскани сифатида, диний-ахлоқий қадриятларни шакллантириш, жамиятни маънавий қиёфасини белгилаш билан бир қаторда, олимлар, уламолар, шоирлар тайёрлаб берадиган илм-фан маркази сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Улар асрлар давомида бу борада катта тажриба мактабига эга бўлиш билан бир қаторда ўзига яраша муаммо ва камчиликлардан ҳам холи бўлмаган.

Бу муаммолар ўз даврининг илғор фикрли маърифатпарвар кишилари томонидан англаб етилган ва кун тартибига уларни ислоҳ қилиш вазифалари қўйилган. Бу жараён ҳам ўзига яраша муаммо ва қийинчиликлар билан кечган. Мазкур ҳолатларни ўзаро узвийликда, тарихийлик асосида, турли манбаларни қиёсий таҳлил этиш, уларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш, ўша даврда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш, шубҳасиз, муҳим илмий аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳам мавзунинг долзарблиги ва аҳамиятини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг долзарблигининг яна бир жиҳати унинг амалий аҳамиятга моликлиги билан ҳам белгиланади, зеро, юқорида қайд этилганидек, сиёсий мутелик шароитида жамиятнинг маънавий ҳаёти, ахлоқий тарбияси ва маърифатида муҳим ўрин тутган анъанавий таълим тизими муаммолари, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари тегишли сабоқ чиқариш имконини беради.

Тадқиқотнинг даврий чегараси сифатида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг боши белгилаб олинди. Чунки ушбу даврда Бухоро амирлигида тараққийпарвар жадиличлик ҳаракати кучайди, шу ҳаракатнинг амалий иши сифатида эса янги усул мактаблари ташкил этилди, мадрасалар ва умуман, таълим тизимини ислоҳ этиш ғоялари пайдо бўлди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бухоро амирлигида XIX аср охири – XX аср бошларидаги анъанавий таълим тизими ва уни ислоҳ қилиш

масалаларига доир тадқиқотларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга XIX асрнинг охири ва XX аср бошларига мансуб адабиётлар туркуми киради. Бухоро амирлиги ҳақида махсус тадқиқотлар олиб борган рус муаллифи Д.Н.Логофет асарларида мамлакатнинг маъмурий бошқарув тизими, иқтисодий аҳволи ҳақида бой маълумотлар билан бир қаторда, ижтимоий-маданий ҳаётга мансуб фактлар ҳам қайд этилади¹.

Бу даврда чоп этилган тадқиқотлар орасида хизмат бурчи юзасидан таълим тизими аҳволини махсус тадқиқ этган муаллифларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, Туркистон ўлкасида мактаб ва мадрасалар ишлари бўйича Туркистон генерал-губернаторлиги нозири лавозимида ишлаган В.П.Наливкиннинг асарлари ва мақолаларида мактаб, мадрасалар тўғрисидаги маълумотларда Бухоро амирлигидаги таълим масканлари ҳақида ҳам қизиқарли фактлар қайд этилади².

Н.А.Бобровниковнинг мақоласида Ўрта Осиёдаги анъанавий мактаблар ва мадрасалар тўғрисида маълумотлар, Н.П.Остроумовнинг асарларида эса нафақат Туркистон, балки Бухоро амирлигидаги таълим масканлари ҳақида ҳам маълумотлар ўрин олган³.

Бундай маълумотлар Туркистон генерал-губернаторлигида таълим масалалари билан шуғулланган С.М.Граменицкий, Н.С.Ликошин каби бошқа муаллифларнинг асарларида ҳам қайд этилади⁴. Хусусан, С.М.Граменицкий асарларида ўқитиш масканлари ва ўқув юртларининг сони ҳақида маълумотлар берилган бўлса, Н.С.Ликошин ўз асарларида мактаб ва мадрасаларнинг маҳаллий аҳоли саводхонлигида тутган ўрнини Туркистон мисолида ёритиб берган.

Маҳаллий муаллифларнинг асар ва мақолалари эса асосан Бухорода таълим тизимини ислоҳ этиш, янги усул мактабларини ташкил этиш муаммоларига бағишланган эди. Улар орасида Абдурауф Фитратнинг⁵

¹ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911. – С.340; Шу муаллиф. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб, 1909. – С.240.

² Наливкин В.П. Азбука для русско-мусульманских школ оседлого населения Туркестанского края. – Ташкент, 1886; Шу муаллиф. Сборник материалов по мусульманству. – Ташкент, 1900; Шу муаллиф. Что даёт средне-азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях. – СПб., 1900; Шу муаллиф. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913.

³ Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мактабы и медресе в Средней Азии // Журнал Министерства народного просвещения. 1913. – № 45. – С.189-241; – № 46. – С.49-84; Остроумов Н.П. К истории народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент, 1899.

⁴ Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае / Сост. Инспектор нар. уч. в Турк. крае 1-го района С.Граменицкий. – Ташкент: Типо-Литограф. торг. Дома Фи Г. брать Каменских, 1896. – С.88; Шу муаллиф. К вопросу об инородческом образовании в России // Туркестанские ведомости. 1908, 6, 10 сентября; Шу муаллиф. Краткая историческая записка об устройстве инородческого образования в Туркестанском крае // Туркестанские ведомости. 1908, 16, 17, 24, 26 октября; Лыкошин Н.С. Пол жизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Петроград, 1916. – С.18.

⁵ Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Боку, 1916. – Б. 112; Шу муаллиф. Фитрат А. Рассказы индийского путешественника. – Самарканд, 1913. –С.98; Шу муаллиф. Спор бухарского мударриса с европейцем в Индии о новометодных школах / Перевод с персидского полковника Ягелло. – Ташкент, 1911. – С.48.

асарлари алоҳида ўрин тутди. Унда муаллиф анъанавий таълим-тарбия масалаларига алоҳида урғу қаратиб, мавжуд муаммоларни кескин танқид остига олади. Ўша давр муаллифи Ражабзода Ниёзий¹ ва М.З.Мирзозодаларнинг² мақолаларида бошланғич мактаблардаги таълим тизими замон талабларидан анча орқада қолганлиги кескин танқид остига олинган. Таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳамда бу соҳадаги муаммоларга Туркистон жадидларининг ўнлаб мақолалари бағишланган эди.³

Иккинчи гуруҳга Совет ҳукмронлик даврида мавзуга оид чоп этилган адабиётлар киради. Совет даври нашрлари орасида 20 йиллар тадқиқотлари алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларини кўтарган маҳаллий маърифатпарварлар – Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Садри Зиё қаламига мансуб тадқиқотларни алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” китобида⁴ амирликдаги жадид мактаблари ҳамда уларда таълим ва тарбия масалалари, Файзулла Хўжаевнинг мақолалари ва “Бухоро инқилобининг тарихига доир” асарида⁵ анъанавий ўқитиш масканларининг асл моҳияти, ижтимоий аҳамияти, Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилоби учун материаллар” асарида⁶ анъанавий таълим таълим тизимидаги ўқув-услубий ва тарбиявий муаммолар таҳлил қилинган бўлиб, бу асарлар масалага ҳолисона ёндашуви билан ажралиб туради. Бухоро қозикалони Муҳаммад Шарифжон (Садри Зиё) ўз асарларида Бухоронинг илмий-адабий муҳити, таълим ва мадрасалари тарихига оид муҳим маълумотларни берган⁷.

Рус шарқшунос олими И.И.Умняковнинг 1927 йилда нашр этилган мақоласида⁸ Бухорода янги усул мактаблари ҳақида илк бор батафсил маълумот берилади.

Шарқшунос олим В.В.Бартольднинг асарларида ҳам Бухоро амирлигидаги маданий ҳаёт, айниқса амир Абдулаҳадхон ва амир Олимхонларнинг ҳукмронлиги давридаги меъморчилик, йирик қурилишлар ҳақида, Европа услубидаги бинолар қурилиши, техник янгиликлар ва

¹ Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойна, 1914. -№ 38. – Б. 906.

² Мирзозода М.З. Илм ва маориф // Садои Туркистон, 1914, 18 июль.

³ Ҳозирги Бухоронинг аҳволи // Садои Туркистон. 1914, 12 июль; Бухоро ҳукуматининг ислоҳкорона қадамлари // Ойна, 1915. – № 8. – Б.198; Зухриддин Фатхуддинзода. Илм ва тараққий // Ойна, 1914. – № 17. – Б. 313; Шамсий П. Улум ва маориф // Ойна, 1915. – № 8. – Б. 54.

⁴ Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари. Биринчи жилд. – Самарқанд-Тошкент, 1928.

⁵ Ходжаев Ф. О младобухарцах // Историк марксист. – Москва, 1926. -№ 2. – С.7-14; Шу муаллиф. К истории истории революции в Бухаре. –Ташкент: Узгосиздат, 1926. –С.78; Шу муаллиф. Бухоро инқилобининг тарихига доир. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926. – Б.126.

⁶ Айний С. Бухоро инқилоби учун материаллар. – Москва, 1926. – Б.148.

⁷ Қаранг: Вохидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека (Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века). – Ташкент: Янги аср авлоди, 2008. – С.352.

⁸ Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень САГУ. – Ташкент, 1927. Вып. 16. –С.98-99.

уларнинг маҳаллий аҳоли илғор қатлами кайфиятига ижобий таъсири тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади¹.

БХСР раҳбарларидан бири Мусожон Саиджоновнинг илмий тадқиқотларида² ҳам мавзуга оид муҳим янгиликлар бор. 1930 йиллардан бошлаб тарих фанида синфий ёндашув ва марксча-ленинча мафкуравий қолипларнинг узил-кесил қарор топиши, жаҳид маърифатпарварларнинг қатағон қурбонларига айланиши мазкур мавзуларга ҳукмрон мафкура нуқтаи-назаридан ўта салбий ёндашувнинг қарор топишига олиб келди. Натижада кейинги йилларда чоп этилган асарларда ўрганилаётган мавзу бир ёқлама, ўта танқидий руҳда ёритилди³. Хусусан, Т.Н.Қориниёзов⁴ Ўзбекистон маданияти тарихига оид тадқиқотида мактаб ва мадрасалардаги ташкилий жараёнлар моҳиятан диний ғояларни тарғиб қилувчи масканлар сифатида таърифланади. О.К.Сухарева асарида эса Бухородаги анъанавий мактаблар ва мадрасалар ҳақида айрим фактлар қайд этилади, холос⁵.

XX аср 60-йилларидан бошлаб миллий озодлик ва ислохотчилик ҳаракатларига нисбатан кескин муносабатнинг бир оз юмшаши, жаҳидларнинг мактабларни ислоҳ қилиш ҳаракатларининг тан олиниши мазкур давр адабиётларида ҳам намоён бўлди. К.Е.Бендриков, И.М.Мўминов, А.М.Богоутдинов, В.Б.Лунин, Й.Абдуллаев, Г.М.Билолов, А.И.Ишанов⁶ кабиларнинг асарларида бу ҳол яққол намоён бўлади.

Хусусан, К.Е.Бендриков⁷ ва Й.Абдуллаевлар⁸ тадқиқотларида Туркистон Туркистон генерал-губернаторлигидаги анъанавий ва жаҳид мактаблари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилиши мазкур муаммо талқинига тазйиқлар нисбатан юмшаганлигини намоён этади.

1970 йиллардан бошлаб совет тарихшунослигида анъанавий таълим тизими тарихига мансуб қатор асарлар юзага келди. Хусусан, И.Иргашев, А.Мухаммаджонов, Ш.Исмоилов, А.И.Абдусамедов, Н.М.Раҳмонов,

¹ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: АН СССР, 1927. – С.256; Шу муаллиф. Бухара. Её памятники и их судьба // Академик Бартольд В.В. Сочинения. Т.IV. – М.: Наука, 1966. – С.72.

² Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи, 1927. -№ 3-4. – Б.8-11.

³ Из истории Советского Узбекистана. – Ташкент: АН Уз ССР, 1947. – 512 с; Рахимов Н. Садриддин Айний / Танқидий-биографик очерклар. – Тошкент: Фан, 1954. – Б.6; Из истории Советского Узбекистана. – Ташкент: АН Уз ССР, 1956. – С. 230.

⁴ Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Фан, 1956. –Б.510; Очерки Очерки истории культуры Советского Узбекистана. – М.: Академия Наук СССР, 1955. – С.560.

⁵ Сухарева О.К. Истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Академии наук Уз ССР, 1958.

⁶ Мўминов И.М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. –Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси, 1960. – Б.288; Вахабов М.Г. О джадидизме // Правда Востока, 1960. 8 январь; Богоутдинов А.М. Очерки по истории таджикской философии. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1961. – С.29; Лунин В.Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1965. –С.408; 160; Билолов Г.М. Хоразмда халқ маорифи тараққийси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. –Б.2; Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969. – С. 392.

⁷ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). –Москва, 1960. – С.592.

⁸ Абдуллаев Й. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. –Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1966. –Б.149; Шу муаллиф. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. – Ташкент: Учитель, 1966. – С.160.

Б.Қосимов, Н.Йўлдошев ва бошқаларнинг тадқиқотларида¹ бошланғич мактаблар, янги усул мактаблари, мадрасалар тўғрисида кўплаб маълумотлар илмий истеъмолга киритилган. Аммо уларнинг хулосаларида коммунистик мафкуранинг таъсири яққол намоён бўлиб, масаланинг моҳияти чуқур очиб берилмаган.

Совет даври нашрлари орасида қайта қуриш йилларига мансуб тадқиқотлар алоҳида ўрин тутди, улар масалага нисбатан ҳолисона ёндашуви билан ажралиб туради. Мамлакатда ҳукм сурган ошкоралик шароитида бу даврда жадид маърифатпарварлари фаолияти ҳақида илк ҳолисона фикрлар дадил илгари сурила бошланди. Бу даврда таълим масканлари масалалари билан шуғулланган тадқиқотчилар қаторига Р.Раҳимов, П.Мирза-Ахмедова,² Д.Рашидова, Э.Каримов каби тадқиқотчиларни киритиш мумкин.²

Учинчи гуруҳга мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар, олиб борилаётган тадқиқотлар туркуми киради. Мустақиллик йилларига келиб хурфикрлик, ҳукмрон мафкура тазйиқларидан халос бўлиш, илгари махфий тутилган тарихий манбалардан фойдаланиш имкони тарихий ҳақиқатни тиклашда муҳим роль ўйнади. Бу даврда ўрганилаётган масаланинг моҳияти, мазмунига янгича ёндашувлар шаклланиб, уни ҳолисона баҳолаш долзарб аҳамият касб эта бошлади.

Ушбу давр тадқиқотчилари қаторига Д.А.Алимова, Г.Турсунметова, Р.Ҳ.Каримов кабиларни санаб ўтиш мумкин.³ Масалан, Д.А.Алимова ўз мақоласида маориф масалаларига тўхталиб, таълимнинг маданий ҳаётдаги мавқеини аниқ фактлар асосида очиб берган.

Бу даврда Б.Эргашев, Р.Абдуллаев, У.Долимов, Қ.Ражабов, Б.Исмоилов, Э.Орифжонов, Б.Расулов, Ш.Воҳидов, Н.М.Раҳмонов, Г.Ф.Солижонова,

¹ Мухаммаджонов А. Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX – начало XX века. –Ташкент, 1978; Ремпель Л. И. Далекое и близкое. Страницы жизни быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары: Бухарские записи. – Ташкент: Изд литературы и искусства, 1981. – С.301; Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX–начало XX века. Автореф. дисс. ... канд ист. наук. – Ташкент: 1981; Абдусамедов А. И. Социал таракқиёт ва ислом. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – Б.151; Қосимов Б. Абдурауф Фитрат – халқ фарзанди //Саодат. 1989. – № 7. – Б.14; Шу муаллиф. Инсон фожиалари // Санъат. 1991. – №12.-Б.10-13; Шу муаллиф. Исмоил Ғаспирали // Ўзбегим. –Тошкент, 1992. – Б.146-150; Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.178; Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон. 1991. – № 4-6. – Б.20-21.

² Раҳимов Р. Традиционно-начальное школьное обучение детей у народов Средней Азии (конец XIX – начало XX вв) // Сборник Музея антропологии и этнографии. Вып.43. Памятники традиционно-бытовой культуры народов Средней Азии, Казахстан и Кавказа. – Ленинград, 1989. – С.109-132; Мирза-Ахмедова П., Рашидова Д. Джадиды: кто оны? // Звезда Востока. 1990. – № 9. – С.138-139; Каримов.Н. Жадидчилик нима? // Санъат. 1990. – №12. – Б.5-10; Болтабоев Ҳ. Номаълум Фитрат // Ёшлик. 1990. – № 4. –Б.34-37; Каримов.Э. Фитратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти , 1990.-№ 3.

³ Алимова Д.А. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида / Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. – Тошкент: Элдинур, 1998. – Б.3-10; Каримов Р.Ҳ. XIX аср охири-XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт // Бухоро тарих саҳифалари. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 1999. – Б.182-190; Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва таракқиёт учун кураш. Даврий тўплам № 1. –Тошкент: Университет, 1999. – Б.219; Турсунметова Г. XX аср бошларида Туркистон таълим-тарбия тизимида жадид мактаблари / Тарихий хотира-маънавият асоси. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2008. – Б. 227-228.

А.М.Худойқулов, Р.Шамсутдинов, Н.Наимов қаламига мансуб тадқиқотларда Туркистондаги маърифатпарварлик ҳаракатлари, уларнинг ғоялари, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда анъанавий таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳаракатлари ўзининг холисона баҳосини олди, кўплаб янги маълумотлар илмий муомалага киритилди¹.

Хусусан, Қ.Ражабовнинг тадқиқотларида тараққийпарвар жадиждларнинг илм-маърифат ғояларини, таълим-тарбияни ислоҳ қилиш масалаларини очиб берувчи қимматли маълумотлар қайд этилади². Ш.Воҳидовнинг тадқиқотларида Бухоро амирлигидаги мадрасалар фаолияти, мударрис лавозими ва уларнинг маоши ҳақида қимматли маълумотлар беради³.

Д.Зияеванинг мақолаларида анъанавий таълим тизимининг муаммолари, ўқув жараёни ва предметлари, ўқитиш услубининг таҳлили орқали бу соҳадаги қоқоқлик сабаблари таҳлил этилди⁴.

Тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, мустақиллик даврида ҳам анъанавий таълим тизими масалаларига турлича ёндашувлар шаклланди. Хусусан, юқорида қайд этилган асарларнинг катта қисмида анъанавий таълимнинг замон талабларидан ортда қолганлиги алоҳида таъкидланди, аммо бу қоқоқлик асосан мактаблардаги шарт-шароит, дунёвий билимлар етишмаслиги билан изоҳланди.

Аммо айна пайтда анъанавий таълимни фақатгина ижобий баҳолаб, муаммоларни қайд этмаслик ёки атайин эътиборсиз қолдириш тенденциялари ҳам пайдо бўлди. Хусусан, Э.Орифжонов ва Г.Солижонова тадқиқотларида анъанавий таълим тизимидаги муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатлари чуқур таҳлил этилмади. У.Долимов мақоласида анъанавий мактаблар фаолияти таълим тизими муаммолари тўғрисида бир қатор муҳим маълумотлар келтирилган ҳолда, улар бутунлай салбий баҳоланган.

¹Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 84; Худойқулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв). Дисс. канд. ист. наук. –Ташкент, 1995. – 148с.; Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири XXаср бошлари). – Андижон: Андижон давлат университети, 1995. – 152 б; Расулов Б. Из истории мусульманских мактабов и медресе Узбекистана (конец XX-20-годы XIX). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. –Андижан, 1996. – С.32; Орифжонов Э.Қ. XX аср бошида Бухоро амирлиги халқ таълимидаги ўзгаришлар ва муаммолар. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997; Шу муаллиф. XX аср бошида Бухородаги жадид мактаблари // Халқ таълими. 1997. –№ 3. –Б.50-53; Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX начало XX вв) Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. –С.38.; Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – Б.176.; Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет. 2006; Шу муаллиф. Эски мактаб // Тафаккур, 2010. – № 1. – Б.66-73.

² Ражабов Қ. Жадидлар-истиклолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари / Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. – Тошкент: Элдинур, 1998. –Б.11-24; Шу муаллиф. Ёш бухороликлар // Бухоро мавжлари. 2005. – № 2. – Б.26-29; Шу муаллиф. XX аср бошларида Туркистон ёшлари // Ҳуқуқ ва бурч. 2008. – № 1. – Б. 40-43; – № 2. –Б. 35-37; Шу муаллиф. Файзулла Хўжаев. –Тошкент: ABU MATBUOT KONSALT, 2011. – Б.48; Ражабов Қ. Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: ABU MATBUOT KONSALT, 2011. – Б.36.

³ Воҳидов Ш. Қўкон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент, 1996. – Б.26.

⁴ Зияева Д. XIX аср охири-XX аср бошида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари / Тошкент Ислон университети. Илмий-таҳлилий ахборот. 2009. – №.3; Шу муаллиф. XX аср бошида Ўзбекистонда анъанавий таълим тизими. – Б.26-27; XX асрда Ўзбекистонда маданият тарихидан очерклар: анъаналар ва трансформация жараёнлари. – Тошкент, 2011. – Б.30.

Ўрта Осиёда жадидчилик ва ислохотчилик ҳаракатлари кўшни республика тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган. Хусусан, Тожикистон Республикасида Бухоро тарихи билан кўп йиллар давомида шуғулланган Н.Гафаров тадқиқотида Бухоро амирлигида жадидларнинг маданий-маърифий фаолияти ёритилиши муносабати билан янги усул мактабларига тегишли бўлган маълумотлар ҳам кўрсатиб ўтилган бўлса, Н.Ҳотамовнинг тадқиқотларида анъанавий таълим масканлари фаолияти ўз аксини топган¹.

Хорижий тарихшуносликда Бухоро амирлигидаги анъанавий таълим тизими масалаларига Боймирза Ҳайит, Меҳмет Сарай турк тилидаги асарларида, немис олимаси Анке Фон Кюгельген, француз тадқиқотчиси Элен Каррер д'Энкаус, итальян тарихчиси Паоло Сартори асарларида, Буюк Британия тадқиқотчиси Ширин Акинер, америкалик олим Эдвард Олворт, немис шарқшуноси У.Алворс асарларида эътибор қаратилган².

Мазкур тадқиқотларда Бухоро амирлигидаги таълим тизими ислом дини ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ тарзда, маълум бир даврий чегараларда, умумий тарзда, қисман таърифланган бўлиб, масаланинг моҳияти яхлит, атрофлича ва махсус ўрганилмаган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги анъанавий таълим тизими муаммолари ҳозирга қадар махсус тадқиқот объекти сифатида комплекс ва чуқур таҳлил этилмаган, мазкур соҳадаги ҳолат, унга таъсир этган омиллар ҳамда қолоқлик сабаблари, ўқитиш услуби каби масалалар чуқур ёритилмаган, тегишли манбалар илмий истеъмолга тўла киритилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги таълим тизими муаммоларини тадқиқ этишдан иборат бўлиб, ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги анъанавий таълимни босқичма-босқич тадқиқ этиш;
- бошланғич таълимнинг ҳолати, ўқув жараёни ва моддий таъминотини ёритиш;

¹ Хотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. – Душанбе: Университет, 1997. – С.348; Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. – Худжанд: Госиздат, 2000. – С.176.

² Baymirza Hayit. Sovyetler Birliginde`ki Turklugun ve islamin bazi meseleleri // Turk dunyasi arastirmalari vakfi. – Istanbul, 1987.–260 s; Анке Фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы: Дайк-Пресс. 2004. – С.516.; Paolo Sartori. Altro Che seta. Corano e progresso in Turkestan (1865-1917). – Prato, 2003. – 158 p; Allworth E. Turkestan. – Kold, 1987. – P. 95-96; Ahlwardt W. Verzeichniss der Arabischen Handschriften. B.VI. – Berlin, 1992. – S.498-509.

- бошланғич таълимдаги муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш;
- ўрганилаётган даврда Бухоро амирлигидаги мадрасалар ҳамда уларнинг ҳолатини тадқиқ этиш;
- мадрасаларнинг молиявий-хўжалик асослари ва моддий таъминотини ўрганиш;
- мадрасалардаги таълим жараёни, ўқув тартиби, предметлар ва уларнинг мазмунини таҳлил этиш;
- мадрасалардаги қолоқлик сабаблари ва уларга таъсир этган омилларни тадқиқ этиш;
- Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилиш ғоялари, маърифатпарварлик ҳаракатининг асосий йўналишлари ва моҳиятини ёритиш;
- янги усул мактабларининг шаклланиши, фаолияти ва уларга нисбатан олиб борилган сиёсатни кўрсатиш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Тадқиқотнинг манбавий асослари олти гуруҳга бўлинади:

1. Архив ҳужжатлари.
2. Эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари.
3. Музей материаллари.
4. Даврий матбуот нашрлари.
5. Маҳаллий муаллифларнинг асарлари.
6. Эсдалик ва хотиралар.

Тадқиқот жараёнида бирламчи манбалар сифатида архив ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этди. Улар асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Ўзбекистон МДА) жамғармаларидан олинди.

Мавзуни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг тарихий фондларидан 1-фонди (Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси), 2-фонди (Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги дипломатик амалдор), 3-фонди (Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги), 11-фонди (Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳридаги 1-районо ревизори), 47-фонди (Туркистон ўлкаси ўқув муассасалари бошқармаси), 48-фонди (Сирдарё вилояти халқ билим юрти директори), 126-фонди (Бухоро амири кўшбегиси бошқармаси), 323-фонди (Вақф мулклари коллекцияси), 461-фонди (Туркистон райони кўриқлаш бўлими), 1009-фонди (Остроумов Николай Петровичнинг шахсий фонди) материалларидан унумли фойдаланилди. Мазкур жамғармаларда таълим тизимининг ҳолати, моддий таъминоти, вақф мулклари ва ўқув жараёнлари ҳақидаги қимматли маълумотлар аниқланди.

Манбаларнинг иккинчи тури эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламларидан иборат бўлди. БХСР тарихи ва Туркистон АССРда маданий

курулишга бағишланган хужжатлар тўпламларида¹ мавзуга оид баъзи маълумотлар (мадраса ва мактаблар фаолияти) келтирилади.

Манбаларнинг учинчи турини тарих ва ўлкашунослик музейи материаллари ташкил қилди. Хусусан, машҳур Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси ҳамда унинг Бухоро шаҳри ва вилоятидаги турли филиалларида сақланаётган экспонатлар (тарихий асарларнинг қўлёзма нусхалари, турли расмлар, варақалар ва бошқа хужжатлар) муҳим аҳамият касб этди. Улар тадқиқот мазмунини бойитишда салмоқли роль ўйнади.

Даврий матбуот нашрлари манбаларнинг тўртинчи турини ташкил қилади. Тадқиқотда Туркистон ва Бухорода чоп этилган миллий матбуот ҳамда татар зиёлилари ва рус матбуоти материалларидан унумли фойдаланилди. Хусусан, Бухорода чоп этилган “Бухорои Шариф” ва “Турон” газеталари (1912-1913), Тошкентда нашр этилган “Садойи Туркистон”(1914), “Туркестанские ведомости” (1870-1917), “Туркистон вилояти газети” (1870-1916), “Хуррият” (1917) газеталари, Самарқандда чоп этилган “Ойна” (1914-1915) журнали, Оренбургда босилган “Вақт” журнали (1916) каби даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган материаллардан мамлакатдаги таълим тизимининг ҳолати, муаммолари ҳамда уни ислоҳ қилиш билан боғлиқ маълумотларни таҳлил этишда кенг фойдаланилди.

Тадқиқотда ўша даврда яшаб ўтган ва ижод қилган маҳаллий муаллифларнинг асарларидан ҳам унумли фойдаланилди. Хусусан, таниқли маърифатпарвар тарихчи Аҳмад Донишнинг “Бухоролик манғит амирларининг қисқача тарихи” асарида Бухоро амирлиги халқларининг тарихий тараққиётдан ортда қолгани сабаблари, уларни ислоҳ қилиш ҳақидаги таклиф ва ғоялари мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳитни баҳолашда муҳим аҳамият касб этди².

Мирзо Абдуазим Сомийнинг “Манғит салтанати тарихи” асаридан Амир Насруллоҳон, Музаффархон ва Абдулаҳадхон давридаги идора усули ва маорифи ҳақида маълумотлар олинди³.

Муҳаммад Али Балжувонийнинг “Тарихи нофеий” номли асарида ҳам амирликнинг давлат тизими, идора усули, 1918-1922 йиллардаги юз берган кескин сиёсий воқеалар, шунингдек, Бухоро мадрасалари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилади⁴.

¹ История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). Сборник документов. –Ташкент: Фан, 1970. –С.484; Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917–1924 гг.). Сборник документов. Т. I. (1917 – 1920 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1973. – С. 572.

² Аҳмад Махдуми Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. – Сталинобод: Нашриёти давлати Тоҷикистон, 1960. – С.3; Шу муаллиф. Наводир ул-вақое. – Тошкент: Фан, 1964. – Б.409; Шу муаллиф. Путешествие из Бухары в Петербург. – Сталинабад. Таджикгосиздат, 1960. – С.298.

³ Мирза Абдуазим Сомий. Тарихи салатин-и мангитийа (История мангитских государей). –М.: Восточная литература, 1962. – С.116.

⁴ Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий (Фойдали тарих). Тоҷик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, З. Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – Б.122.

Мирза Салимбекнинг “Кашкўли Салимий” асарида¹ мактаб ва мадраса толиблари учун илм фазилатлари баёни ҳақида, “Тарихи Салимий” асарида эса маърифатпарварлик ҳаракати, таълим тизими ислохотлари тўғрисидаги қарашлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Шунингдек, тадқиқотни тайёрлашда Бухородаги жадиличлик ҳаракатининг йирик намояндалари бўлган машҳур тараққийпарварларнинг асарлари ҳам катта аҳамият касб этди. Хусусан, Мирзо Сирожиддин Ҳаким томонидан 1910 йилда ёзилган “Тухфаи аҳли Бухоро” (“Бухоро аҳлига тухфа”) асарида Бухородаги маданий ҳаёт ва мадрасалар хусусида ҳам сўз боради². Хусусан, Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаевнинг 1926 йилда нашр қилинган ҳамда Бухородаги 1920 йил воқеаларига бағишланган асарларида³ ҳам мавзуга оид муҳим маълумотлар мавжуд.

Манбаларнинг сўнгги олтинчи турини эса ўша давр замондошлари, воқеаларининг бевосита иштирокчилари томонидан ёзилган турли хотира ва эсдаликлар ташкил қилади. Бу ўринда айниқса, Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон⁴ ҳамда жадиличлик ҳаракатининг таниқли намояндаси Садриддин Айний⁵ томонидан ёзилган хотиралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хуллас, Бухоро амирлигидаги таълим тизимини атрофлича ўрганишда ва таҳлил этишда бу жараёнда фаол иштирок этган, анъанавий таълим масканларида билим олган ва унинг муаммоларини чуқур англаб етиб, ислоҳ қилиш ғоялари билан чиққан маърифатпарварларнинг эсдалик ва хотиралари ҳам алоҳида ўрин тутади. Улар Бухородаги тарихий жараёнларнинг гувоҳи, шоҳиди ва иштирокчиси бўлганлиги учун уларнинг қарашлари, фикр-мулоҳазалари, келтирган фактлари жуда муҳим манбавий аҳамият касб этади.

Тадқиқот объекти. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида Бухоро амирлигидаги таълим тизими муаммоларини ёритиш тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Бухоронинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи, маданий ҳаёт, мактаб ва мадрасалар тарихи, таълим жарёни, саводхонлик, янги усул мактаблари ва ислохотчилик ҳаракатлари каби масала ва муаммолар ишнинг предметини ташкил қилади.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотда таҳлил қилинаётган ва ўрганилаётган муаммога миллий ва умуминсоний манфаатлар

¹ Мирза Салимбек. Кашкўли Салимий. Таворихи мутакаддимин ва муттаахирин (форс-тожик тилидан ўзбекчага Нарзулло Йўлдошев ўгирган). – Бухоро. 2003. – Б.51; Шу муаллиф. Тарихи Салими (источник по истории Бухарского эмирата). – Ташкент: Академия, 2009. – С. 207.

² Мирзо Сирожиддини Ҳаким. Тухафи аҳли Бухоро (сафарнома). – Душанбе: Адаб, 1992. – С.272.

³ Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926. – Б. 126; Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилоби тарихига доир. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926. – Б.126.

⁴ Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форсийдан А.Ирисов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 32.

⁵ Садриддин Айний. Эсдаликлар. – Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1953. – Б. 312; Шу муаллиф. Қисқача таржимаи ҳолим. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадиий нашриёти, 1960. – Б. 136.

ва қадриятлардан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. Тадқиқот жараёнида материалларни ўрганиш ва таҳлил этишда тарихийлик, даврий изчиллик, қиёсий таҳлил ва танқидий ёндашув усулларидан фойдаланиш мавзуга оид кенг турдаги манбалар ва адабиётлардаги айрим қарама-қарши ва зиддиятли қарашларни чуқур ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда ҳолисона баҳолашга асос бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, диссертациянинг назарий ва услубий асосларини белгилашда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида, тарихчилар билан учрашувларида илгари сурилган мустақил давлатчилик тараққиёти ва маънавий юксалиш, маданий-маърифий ислохотлар ҳақида илгари сурилган кўрсатмалари муҳим роль ўйнади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

биринчидан, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги таълим кўп асрлик анъаналарга кўра икки босқич - мактаблар (қуйи) ва мадрасалар (юқори) шаклида мавжуд бўлган;

иккинчидан, мактаб ва мадрасалар моддий таъминот жиҳатидан хусусий ва жамоатчилик маблағлари эвазига фаолият юритган, давлат томонидан маблағлаштирилмаган, аммо ҳукмдорлар томонидан мадрасалар барпо этилиб, талабалар рағбатлантириб турилган;

учинчидан, бошланғич таълим мактаблари асосан араб ва форс-тожик тилларида савод чиқариш, диний-ахлоқий қоидаларни ўзлаштириш, ҳисоб-китобни ўрганиш, классик адабиёт намуналари мисолида ахлоқий ва маънавий тарбиявга йўналтирилган;

тўртинчидан, тадқиқ этиладиган даврда Бухоро амирлигидаги мадрасалар бинолари улуғворлиги ва ҳайбати билан ажралиб турган, уларнинг қурилишига алоҳида эътибор қаратилган. Аммо ўқув дастури ва жараёни, предметлари, услуби таълим масканларининг аҳволи замон талабларидан кескин ортда қолган, дунёвий билимларга, жаҳон илмий ютуқларига эътибор қаратилмаган;

бешинчидан, мамлакатда XX аср бошида шаклланган тараққийпарварлар ҳаракати намояндалари бошланғич таълим ислохотига жиддий киришиб, янги усул мактабларини ташкил этдилар, ўз ҳисобларидан уларнинг фаолиятини йўлга қўйдилар, аммо давлат томонидан таъқиблар бу ҳаракатни кенг йўлга қўйишга жиддий тўсиқ бўлди;

Ишнинг илмий янгилиги. Мазкур тадқиқотда XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги таълим тизими фаолиятини акс эттирувчи архив ҳужжатлари, қўлёзма манбалар, даврий матбуот материаллари, замондошлар хотираларидан иборат кенг турдаги манбалар умумлаштирилди ҳамда ўзаро қиёсий таҳлил этилиб, қуйидаги илмий янгиликлар қўлга киритилди:

- Бухоро амирлигидаги анъанавий таълим тизими, унинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари илк бор комплекс, босқичма-босқич тадқиқ

этилди ва мактабларнинг функцияси, иш тартиби, дарс жараёни, ўқув адабиётлари (дарсликлар), шарт-шароитлари, биноси, моддий таъминотига оид қимматли маълумотлар тўпланиб, таҳлил этилди, бошланғич мактабларнинг ташкилий, иқтисодий-молиявий ва ўқув-услубий жиҳатдан мавжуд муаммолари ва уларнинг сабаб ҳамда оқибатлари аниқланди;

- тадқиқотда илк бор Бухоро мадрасаларидан таълим тизими, ўқув жараёни, дарсликлар, уларнинг мазмуни, замон талабларидан ортда қолишининг объектив ва субъектив сабаблари аниқланди, мадрасалар таъминоти, талабалар учун шарт-шароитлари, мударрислар фаолиятига оид манбалар тўпланиб, тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилди;

- Бухоро тараққийпарварларининг янги усул (жадид) мактабларини ташкил қилишдаги саъй-ҳаракатлари, Ёш бухороликлар партияси аъзоларининг таълим тизимини ислоҳ қилиш ғоялари ва бу борадаги фаолияти, уларга ҳукуматнинг муносабати ёритилди;

- XX аср бошларига келганда жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида бўлгани каби Бухоро амирлигидаги таълим тизими жиддий ўзгаришларга муҳтож эканлигининг объектив сабаблари кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижалари ва хулосаларидан XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида Бухоро амирлигидаги маданий ҳаёт ва таълим тарихи бўйича тадқиқотлар олиб боришда ҳамда олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари учун махсус курслар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижасида эришилган илмий хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институтида “Ўзбекистон тарихи” фани бўйича маъруза ўқиш ва амалий машғулотлар олиб бориш жараёнида қўлланилмоқда.

Ишнинг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган илмий мақолалар ва турли конференцияларда қилинган маърузаларда ўз аксини топган. Диссертация иши Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти “Ижтимоий фанлар” кафедрасида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари тадқиқот юзасидан чоп этилган 4 та илмий мақола ва 8 та тезисда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 171 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмда тадқиқот учун мавзунинг долзарблиги, ишнинг даврий чегаралари, муаммонинг ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, манбавий асослари, илмий янгилиги асослаб берилган, шунингдек, диссертациянинг назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий натижалар ва апробацияси тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бухоро амирлигида бошланғич таълим тизими ва унинг муаммолари”** деб номланиб, унда тадқиқ этиладиган даврда Бухоро амирлиги ҳудудидаги мавжуд бошланғич таълим тизимининг ҳолати ва ўқув жараёнлари билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратилган.

Бобда энг аввало Бухоро амирлигида анъанавий таълим тизимининг умумий ҳолатида ёритилди. Мамлакатдаги сиёсий вазият таҳлилининг кўрсатишича, бу даврда ҳуқуқсизлик, ташқи алоқалар чекланиши натижасида кучайган биқиклик шароити нафақат ижтимоий соҳада, балки маданий ҳаётда ҳам турғунликни кучайтирган. Хусусан, таълим тизимида бу ҳолат яққол кўзга ташланган.

Ўрта Осиё ерлари Араб халифалиги томонидан босиб олинганидан кейин шаклланган анъанавий таълим тизими икки босқичдан иборат эди: куйи (бошланғич таълим) ва юқори (мадраса) босқич. Мактаблар давлат томонидан маблағлаштирилмаган. Мактаблар идора қилиниши ва таъминоти жиҳатидан асосан иккига бўлинган: умумий ва хусусий¹. Бухоро амирлиги ҳудудларида мавжуд бўлган мактабларда болаларнинг ўқиш муддати уларнинг иқтидори ва қобилиятига қараб камида 6 йил, узоғи билан 10 йилни ташкил этган.

Мактаб бинолари зарур шарт-шароитга эга эмас эди. Вақфномаларда қайд этилишича, улар ёғоч, хом ва пишиқ ғиштдан бино қилинган². Мактаб биноси одатда бир хонадан иборат бўлиб, болалар бўйра ёки шолча устида ўтиришар,³ хоналар кичик, тор ва яхши ёритилмаган, санитария-гигиена талабларига жавоб бермаган, ўқувчилар ўтирадиган жой нам ва зах бўлган⁴. Ўша даврда мактабда ўқиган Бухоро маърифатпарварларидан С.Айний,⁵ А.Фитрат⁶ ҳам ушбу ҳолатни алоҳида таъкидлайдилар.

Бошланғич анъанавий мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларни саводли қилиш, ёзиш ва ўқиш кўникмаларини шакллантириш,⁷

¹ Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина, 1914. - № 38. - Б. 908.

² ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варак.

³ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 7-варак.

⁴ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 9-варак.

⁵ Айний С. Эски мактаб // Асарлар. 8 томлик. 4-том. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. - Б.139-140.

⁶ Фитрат А. Мунозара // Шарқ юлдузи, 1997. - № 1. - Б.121.

⁷ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 7-варак.

арифметиканинг оддий қоидалари - ҳисоб-китобни ўзлаштириш, атроф-муҳит, табиат, ислом дини ҳақидаги илк билим ва тушунчалар, ахлоқ-одоб меъёрларини ўргатишдан иборат эди. Ўғил болалар мактабларининг аксарияти масжидлар қошида ташкил этилган ва унда таклиф этилган масжид имоми, муаззини ёки мадрасани тугатган зиёли киши муаллимлик қилган.¹ Қизлар мактабида ўқитиш ўғил болалар ўқийдиган масжидлар ҳузуридаги мактабхонадаги ўқитишдан бир мунча фарқ қилган. Бу ерда дарслар тушликкача давом этган. Қизларнинг ўқиши 7 ёшдан бошланиб, 13 ёшда тугар эди². Одатда қизлар уйларида таълим олишган.

1910 йилда Бухорода 350 га яқин анъанавий (бошланғич) мактаблар фаолият кўрсатган³. Мактабхонада ўқишга қабул қилиш ёши Бухорода 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврни ташкил этган⁴. Таълим жараёни эса 7-10 йилгача давом этган.

Мактаблардаги дарслар эрталаб қуёш чиқишидан то аср намозигача давом этиб, жума ва байрам кунлари ўқувчилар дарсдан озод қилинган⁵. Анъанавий бошланғич мактабларда дарс жадвали, қатъий дастур ва муайян ўқув курси бўлмаган⁶. Домла ўтилган мавзуси юзасидан ҳар бир ўқувчини биттадан ёнига чақириб, берилган вазифани сўраган⁷.

Бошланғич мактабда таълим олиш араб алифбосини ўрганишдан бошланиб, ҳарфлар ўқитувчи томонидан алоҳида ёғоч ёки қаттиқ лавҳаларга ёзиб қўйилган⁸. Ҳарфлар аввал ёд олинган, кейин эса бўғинлаб ўқишга ўтилган, сўнгра ўқувчи ҳафтиякни ўрганишга ўтган. Таълим жараёнида англаб, тушуниб ўқиш, матн устида ишлаш, қайта ҳикоя қилиш талаб этилмаган.

Бухоро амирлигидаги мактабларда асосан қуйидаги китоблар ва дарсликлардан кенг фойдаланилган: “Алифбо” дарслигида ҳарфларнинг ёзилиши, қўшилишидаги кўринишлари, ҳарфларнинг турли ўринларидаги шакллари, ҳарф ости ва устига қўйиладиган диакритик белгилар, уларнинг қўлланиши, бўғинлар тузиш каби қоидалар баён этилган⁹. Савод чиқарилгач, чиқарилгач, “Ҳафтияк”, яъни ўқиш китобига ўтилган¹⁰. (“Ҳафтияк” Қуръони Каримнинг еттидан бир қисми деган маънони англатган). Ёш болаларга қулай бўлиши учун Қуръон сураларидан бир нечтаси (13-14 та) танланиб, кироат китоби шаклига келтирилган¹¹. Ўқув жараёнида Қуръони Каримни

¹ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 17-варақ.

² Наливкин В. Школа у туземцев Среднеё Азии // Туркестанские ведомости, 1898, 8 августа.

³ Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина, 1914. -№ 38. - Б. 907.

⁴ Ханьков Н В. Описание Бухарского ханства. – СПб, 1843. – С.211.

⁵ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 17-варақ.

⁶ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 19-варақ.

⁷ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 19-варақ.

⁸ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 61-иш, 21-варақ.

⁹ Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-кўриқхонасининг қўлёзма фонди. 1078/11 инвентар.

¹⁰ Ҳафтияк Шариф. - Тошкент, 1992. - Б.3.

¹¹ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 69-варақ.

ўрганилишига катта эътибор қаратилган¹. Шунингдек, мактабларда “Фарзайн” яъни шариатга кўра барча мусулмонларга буюрилган, бажарилиши шарт бўлган амаллар ҳақида тушунча ва маълумот берилган. Мактабда кенг қўлланилган дарсликлардан бири “Чаҳор китоб” бўлиб, наср ва назм усули билан форс-тожик тилида ёзилган бу китобда ислом динининг асосий қоидалари ифодаланган². У ўз ичига тўрт китобни бирлаштирган. (“Номи ҳақ”, “Бидон”, “Мухумотул муслимин” “Панднома” асарлари)³. Мактабларда Мактабларда Сўфи Оллоёр деб юритилган, аслида “Сабот ул-ојизин” китобидан ҳам фойдаланилган⁴. Унда ислом динининг асосий қоидалари баёнидан ташқари, инсоний фазилатлар, ахлоқий тарбияга қаратилган ҳикматлар, ибратли ҳикоялар, шеърлар, достонлар ўрин олган⁵. Мазкур китоб китоб ғоятда равон, содда тил билан ёзилган, унда кишини ўйлантирадиган ва ҳайратлантирадиган сўз ўйинлари мавжуд бўлиб, болалар қунт билан севиб ўқиган ва ёд олган. Ислом ақидалари баён этилган, назмда битилган, форс тилида ёзилган “Маслакул–ал–Муттақин” номли шеърлар тўпламида эса панд-насиҳат, хушмуомалалик, одоб-ахлоқ ва шариат қонун-қоидалари баён этилган. Шунингдек, мактабларда ўқитилган Хўжа Ҳофиз “Девони”⁶ ҳам ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган. Агар мактаб ўқувчиларининг кўпчилигини ўзбек тилида сўзлашувчилар ташкил этса, туркий тилда битилган мумтоз адабиётларга мансуб Алишер Навоий, Машраб ижодидан намуналар ўқитилган⁷.

Анъанавий мактабларда араб алифбосини ўзлаштиришга ҳам эътибор қаратилган. Китоблардан парчаларни кўчириб ёзишга жуда кўп вақт сарфланган. Кейин иншо, дуойи салом (салом хати) ва турли алоқа хатларини ёзиш ўргатилган. Ўқувчи дуойи саломни ёзишни билса, уни “хати чиққан” деб ҳисоблашган⁸.

XIX аср охири ва XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар ўз иш тартиби, ташкил этилиши ва молиявий хўжалик таъминоти жиҳатидан нисбатан тараққиётдан орқада қолган эди. Аммо мактаблар халқнинг саводини чиқариш, араб имлосида ўқиб ёзишни, арифметик ҳисобни ўзлаштиришга ўргатувчи маскан сифатида бу даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Мактабларнинг ўқув дастури бошланғич диний таълим, ислом асослари, диний ибодат, ахлоқий тарбияга йўналтирилган, атроф-муҳит, жамият ҳақида тушунчалар берган. Аммо мактаблардаги таълим усули, уларнинг моддий-молиявий таъминоти, ўқув дастурида дунёвий билимларга эътиборсизлик, ўқитувчиларнинг билими

¹ Маев Н. Туземная школы // Туркестанские ведомости, 1884, 30 октября,

² Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонасининг қўлёзма фонди. 26492/11 инвентар; ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 55-варақ.

³ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 71-варақ.

⁴ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 73-варақ.

⁵ Бухоро Давлат меъморий бадий музей – қўриқхонасининг қўлёзма фонди. 12928/11 инвентар.

⁶ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 16-варақ.

⁷ Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб 1843. – С.212.

⁸ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 63-иш, 11-варақ.

етарли эмаслиги уларни замон талабларига ҳамоҳанг бўлишига имкон бермади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, анъанавий таълим тизимининг бошланғич босқичи бўлган мактаблар фаолиятида қатор муаммолар мавжуд эди. Бу муаммолар моддий, ўқув-услубий характериға эға эди. Мактабларнинг аксарияти махсус биноларға эға бўлмаған. Ўқув дастури ва дарсликлар услубий ва мазмун жиҳатдан ўқувчи ёшини, ўзлаштиришни ҳисобға олмаған, уларнинг аксарияти она тилида эмаслиги, асосан араб тилида бўлганлиги савод чиқаришни мураккаблаштирган, диний, ахлоқий қадриятларға урғу берилиши эса дунёқарашни чекланған доирада шакллантириб, уларда кўрқув ва итоатгўйлик ҳислатларини уйғотған. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг сабоқларини ўзлаштириш жараёни қатъий талаб этилмаған ва назорат қилинмаған, шу сабабли хоҳиши ва қобилияти кучли ўқувчиларни ҳисобға олмағанда, мактабларда таълим жараёни 10 йилгача чўзилиб кетған. Шунинг учун ҳам мактаб тизимини тубдан ислоҳ этиш ғояси кун тартибидаги муҳим вазифа бўлиб қолған эди. Ўша давр маърифатпарварларининг куюниб қайд этишича, “болалар мактабдан ўқимок ва ёзмокдан бошқа ҳеч бир маълумот ололмай қолған эдилар”¹.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Таълим тизимининг юқори босқичи – мадрасалар фаолияти ва уларнинг муаммолари**” деб номланиб, мазкур бобда Бухоро мадрасаларининг моддий таъминоти масалалари, мадрасаларда ўқитиладиган фанлар ва таълим жараёни таҳлил этилади.

Амирликдаги анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи бўлған мадрасалар тарихи IX – X асрларға бориб тақалади². Мадрасалар олий таълим вазифасини бажариб, мамлакатнинг бошқарув тизими, ҳуқуқ-тартибот ва таълим тизими учун кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнаған.

Мадрасаларнинг умумий сони ҳақида турли хил маълумотлар мавжуд бўлиб, архив манбаларига кўра, 1914 йилда Бухорода 350 та мадраса борлиги қайд этилади³. XX аср бошиға келиб уларда таҳсил олувчиларнинг умумий миқдори 10 минг нафарға етған⁴.

Мадрасалар уларнинг асосчилари номи билан аталған, қишлоқ мадрасалари эса ўша қишлоқнинг номи билан аталған ва кўпинча бозорларнинг яқинида жойлашған⁵. Мадрасалар қурилгач, бошқарувчиси (мутавалли)ға топширилған ва уни қурдирған шахснинг тасарруфидан чиқарилиб, вақф мулкиға айлантйрилған.

Бухоро мадрасалари ҳужралари сонига қараб кичик, ўрта ва йирик мадрасаларға бўлинған. Йирик мадрасаларға Кўкалдош (150та ҳужра),

¹ Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина. 1917. -№ 38. – Б.906.

² Абу Бакр Муҳаммад Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент, Фан, 1966. – Б.84.

³ ЎзР МДА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 76-варақ.

⁴ Ремпел Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Ташкент, Литературы и искусства, 1981. - С.4.

⁵ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 14-15-варақлар.

Абдуллахон (141та хужра), Аскарбий (121та хужра), Мири Араб (111та хужра), Аҳмаджон пўстиндўз (110та хужра) кабиларни киритиш мумкин¹.

Бухородаги мадрасалар таъминоти вақф мулки ҳисобидан амалга оширилган. Мадрасаларда талабаларнинг моддий таъминоти уч хил кўринишда амалга оширилган: пул, ғалла ва иккови аралаш ҳолда. Вақф мулкининг бир қисми мударрис, имом, муаззин, бошқа хизматчилар, сарф-харажатлардан қолган қисми мадраса талабалари ўртасида тақсимланган. Масалан, Кўкалдош мадрасасида йиллик даромаднинг тенг ярми талабаларга берилган².

Мадрасада ўқитиладиган фанларни ўзлаштиришда, шунингдек, таълим-тарбияда ўзини кўрсатган талабалар давлат маблағини олишган. Бу маблағ даҳ-як (яъни ўндан бир) деб аталган. Унинг соҳибини “даҳякхўр” деб аташган. Унга даъвогарлар махсус имтиҳондан ўтказилиб, натижалари шахсан амирга тақдим этилган³.

Вақф мулкининг миқдори ва унинг бир йиллик даромадига қараб мадрасаларнинг молиявий таъминоти баҳоланган. Масалан, Абдуллахон мадрасасининг йиллик даромади 50 минг тилла тангадан,⁴ Кўкалдош мадрасасиники эса 150 минг тангадан иборат бўлган.

Бухоро мадрасаларида дарс берувчи мударрисларнинг умумий миқдори XX аср бошида 800 нафарни ташкил этиб, улар уч тоифага бўлинарди: аъло даражали, ўрта даражали ва паст даражали. Мадрасада таълим олиш уч босқичда амалга оширилган: бошланғич (адно), ўрта (аврат), юқори (аъло)⁵.

Талабалар ўқув курсига қараб эмас, балки қайси китобни ўқиётганлигига қараб гуруҳларга ажратилиб, унинг миқдори мадрасадаги талабалар сонига мутаносиб равишда белгиланарди. Катта мадрасаларда ҳар бир гуруҳда 5-10 нафардан 20 нафаргача талаба таҳсил олган⁶. Мадрасаларда дарс бериш билан шуғулланувчи домла-мударрисларнинг иш ҳақи вақфномада белгиланган маблағдан бериб борилган. Масалан, Жаъфархўжа мадрасасининг мударриси 2 минг танга маош олган⁷.

Бу бобда мадрасаларда ўқитиладиган фанлар ва таълим жараёни ҳам таҳлил қилинади. Мадрасаларда 10 ёшдан 40 ёшгача бўлган саводли кишилар таҳсил олган. Шариатга мувофиқ, бирорта мударриснинг ҳар қандай ёшда ҳам ўқиш учун мурожаат қилган кишига рад жавобини бериш ҳуқуқи

¹Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий (Фойдали тарих). Тоҷик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, З. Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – Б. 86-94.

²ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1995-иш, 3-варақ; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: АН Уз ССР, 1958. – С.8.

³ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 10-варақ.

⁴Каримов Р.Х. XIX аср охири - XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт // Бухоро тарих саҳифалари. Мақолалар тўплами.- Бухоро, 1999. – Б.50.

⁵Фитрат А. Ҳинд сайёҳи. – Б.15.

⁶ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 96-варақ.

⁷Айний С. Эсдаликлар // Асарлар. 5-жилд. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1965. – Б.200.

⁸Ремпел Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени имени Г.Гуляма, 1981. – С.49, 142.

бўлмаган¹. Дарс жараёнлари, ҳар йили октябр ойида бошланиб, апрель ойигача давом этган². Мадрасада одатда ҳафтада 4 кун таҳсил олинган³ ва чоршанба, пайшанба ҳамда жума кунлари дарс бўлмаган. Дарс қуёш чиқиши билан (бомдод намозидан кейин) бошланган⁴.

Ўрнатилган қоидага кўра, талаба мадрасада таҳсил олиш, унинг хужрасида яшаш, молиявий таъминот олиш учун ички тартибга риоя этиши талаб қилинган. Узрсиз сабаб туфайли мадрасани маълум муддатга тарк этиш таъқиқланган, қоидани бузган талаба ўқиш ва яшаш жойи (хужра) дан маҳрум этилган⁵.

Мадрасалардаги ўқув предметлари таҳлилининг кўрсатишича, кўплаб диний-фалсафий, диний-ҳуқуқий китоб ва қўлланмаларни, шарҳларни, уларга ёзилган шарҳ (ҳошия)ларни талабалар асосан араб тилида ўзлаштиришга мажбур эдилар.

Бухоро мадрасаларида ўқув курси қуйидаги дарсликлар асосида ўзлаштирилган. Араб тили грамматикаси (Бидон, Мўъзий, Занжоний, Кофия) чуқур ўрганилган. Диний таълим-ислом динининг асослари Аввали илм, Ақойид ва унга шарҳлар, Қуръони-Карим тафсири, Ҳадиси шариф ўқитилган. Шунингдек, мантиқ илмига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада “Мулло Жалол” деб юритилган дарсликлардан кенг фойдаланилган⁶.

Мадрасаларда диний билимлардан ташқари мантиқ, нотиклик, риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия) каби фанларнинг ўқитилганлиги рус манбаларида ҳам эътироф этилган. Аммо ушбу фанлар бўйича дарсликларнинг форс, араб тилида ёзилганлиги ўқув жараёни янада мураккаблаштирган⁷.

Айрим мадрасалар алоҳида ихтисослашганлиги боис, уларда махсус фанлар ўқитилган. Масалан, табиблар тайёрлашга мослашган “Дорул-шифо” мадрасасида Абу Али Ибн Сино, Розий, Абу Ҳасанали бин Ризвон Мисрий, Субҳонқулихон каби буюк табибларнинг асарлари ўрганилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“XX аср бошларида анъанавий таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳаракати ва уларнинг натижалари”** деб аталиб, Бухоро тараққийпарварларининг таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлидаги фаолияти, янги усул мактабларининг очилиши ва муаммоларига бағишланади.

¹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 5-варак.

² ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 5-варак.

³ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55а-иш, 1-варак.

⁴ Айний С. Эсдаликлар // Асарлар. 5-жилд. – Тошкент, Бадиий адабиёт, 1965. - Б.169.

⁵ ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1995- иш, 4-варак.

⁶ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. I жилд.- Тошкент: Маънавият, 2000.-Б.239; ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1995- иш, В.4; 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 58 -варак; Бухоро Давлат меъморий бадиий музей – кўриқхонасининг кўлёзма фонди. 26840/11, 25563, 12062/11, 4826н/в, 12062/11, 24232/11, 26440/11 инвентарлар; СВР АН Уз ССР:-Т IV.- Б.398.

⁷ Зияева Д. XIX аср охири - XX аср бошида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари // Тошкент Ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот, 2009. -№.3. - Б.10.

Бу боб Бухоро тараққийпарварларининг таълим тизимини ислоҳ қилиш ғоялари тўғрисидаги маълумотлар билан бошланади. Мамлакат келажагини, юрт фаровонлигини ўйлаган Бухоро тараққийпарварлари халқ таълимини ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурадилар. Улар янгича усулдаги мактабларнинг очилиши учун чора-тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилиб, дастлаб 1908 йилда “Тарбияи-атфол” (“Болалар тарбияси”) номли махфий жамиятни ташкил этдилар¹. Унинг аъзолари 28 киши бўлиб, ундан 14 киши мулла ва муллаларнинг ўғли, 3 киши мударрис эди².

Ёш бухороликлар партияси дастлабки давридаги фаолиятида асосан маориф ва маърифатпарварлик ишлари билан шуғулланди. Бунга таъсир этган ташқи омиллар шарқ ва мусулмон оламидаги ислохотчилик ҳаракатлари эди. Илгари ислом маърифати маркази ҳисобланган Бухородаги таълим тизими ҳақида Қримда нашр этилаётган газетада И.Гаспиринскийнинг “Бухорони қаёққа олиб бораяпмиз?” номли мақоласининг эълон қилиниши бу масалага эътиборни кучайтириб, маҳаллий ҳокимиятни ғоятда ташвиш ва хавотирга солиб қўйган эди³.

Янги усул мактаблари учун дарслик чоп этиш мақсадида 1909 йилда Бухоро жадиidlари томонидан “Ширкати Бухорои Шариф” номидаги жамият тузилиб, унинг дастлабки иши С.Айнийнинг “Тарти-ул-Қуръон” номли дарслигини нашр қилдириш бўлди⁴.

1909 йилда Истанбулда А.Фитрат бошчилигида Бухоро маорифи хайрия жамияти ташкил этилиб, унинг ёрдамида бухоролик болалар учун алоҳида мактаб очилди⁵. 1910 йилда мактабга Бухородан 30 бола, 1911 йилда 15 бола, бола, 1912 йилда 20 бола, 1913 йилда 16 бола ўқишга юборилди⁶.

Лекин шунга қарамай татар талабалари сони кўпайиб борган. 1913 йилда Бухоро мадрасаларида шундай татар талабаларидан 650 нафари таълим олар эди⁷. Бухорода маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этишда Бокчасаройда чиқадиган “Таржимон” газетаси, Бокуда чиқадиган “Мулла Насриддин” сатирик журнали, Ҳиндистонда чиқадиган “Хабеулмати” газетаси, Мисрда чиқадиган “Чехранома” ва “Парвариш” каби журналларнинг сезиларли даражадаги таъсири бўлган⁸. Масалан, татар газетаси бўлган “Аччиқ сўз” ҳам ҳам ўз саҳифасида “Бухоро ҳукуматининг Бухородаги янги усул мактаби ҳаракатига муносабати” номли мақолани эълон қилиб, мутаассиб руҳонийларни қўллаб-қувватлагани учун Бухоро ҳукуматини қаттиқ танқид қилади⁹.

¹ Ражабов Қ. Ёш бухороликлар // Бухоро мавжлари, 2005. -№ 2. – Б. 26-29.

² Айний С. Тарихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – С. 232.

³ ЎзР МДА, 3-фонд, 2-рўйхат, 150-иш, 1-3-варақлар.

⁴ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар, 1-том. – Тошкент, Бадиий адабиёт, 1963. – Б. 202.

⁵ ЎзР МДА, 3-фонд, 2-рўйхат, 150-иш, 10-варақ.

⁶ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 168-иш, 24-варақ.

⁷ ЎзР МДА, 3-фонд, 2-рўйхат, 150-иш, 34-варақ.

⁸ ЎзР МДА, 11-фонд, 1-рўйхат, 244-иш, 24-варақ.

⁹ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 2-варақ.

Маҳаллий аҳоли орасида янгиликка қарши кайфиятда бўлган Мулла Қамар, Мулла Холмурод, Мулла Абдурасул Махсум, Фиёсиддин Садр, Қози Калон Бурҳониддин ва Насрулло Қўшбеги бошчилигидаги консерватив кучлар янги усул мактаблари очилишига кескин қаршилик кўрсатдилар¹.

Жадидлар ҳаракатининг етакчиларидан бири бўлган М.Бехбудийнинг амирликдаги янги усул мактабларини кучайтиришга қаратилган фикрлар билан тўлиб-тошган “Янги усул қандай?” номли² ва “Бухоройи шариф” газетасида эълон қилинган “Тартиб лозимдир” номли мақоласида ҳам Бухородаги мактаб ва мадрасаларда таълим беришни такомиллаштиришга қаратилган илғор фикрлар берилган эди³. Шунингдек, 1912 йилда “Садойи Туркистон”да “Ҳозирги Бухоронинг аҳволи” номли мақола⁴, 1914 йида “Ойина”да М.З.Мирзозоданинг долзарб мақоласи чоп этилиши ҳам таълим тизими ислоҳотига бағишланган эди⁵.

Бухорода янги усул мактабларининг очилишида И.Гаспиринскийнинг роли катта бўлиб, 1893 йилнинг майида у Бухорога келган ва Амир Абдулахадхон билан янги усул мактаблари хусусида гаплашган эди. Бироқ Бухорода бундай мактаб очилиши турли сабаблар билан орқага сурилади.

Бухорода янги усулдаги мактаб 1900 йилда Мулла Жўрабой томонидан ўз туғилган қишлоғида очилади. Янги усул мактабларининг ташкил этилиши 1900-1903 йилларга тўғри келади. Айнан шу йилларда татар ўқитувчилари томонидан кўплаб мактаблар очилган⁶. “Озод Бухоро” газетасида Н.Собитов Бухорода биринчи жадид мактабини очган деган маълумот берилади⁷. 1908-1910 йилларга қадар ташкил этилган мактабларда татар муаллимлари дарс беришган. 1903 йилга келиб Бухорода 6 та янги усул мактаби ташкил этилган эди.

1908 йилда Бухоро амирлигига И.Гаспиринский мактаб ислоҳоти масалалари юзасидан ташриф буюрди. Бухородаги Н.Собитовнинг татар мактабини расман татар ва бухороликларнинг болалари учун мактаб сифатида расмийлаштирмоқчи бўладилар ва ушбу мактабни И.Гаспиринский шарафига “Исмоилия” деб номлашга қарор қилинади. Аммо И.Гаспиринский бунга рози бўлмади ва мактабни мархум Амир Музаффархон номига бағишлаб “Музаффария” деб аташни таклиф этади. И.Гаспиринский Амир Абдулахадхон билан учрашиб мактаб очиш, унинг биноси ва бошқа ташкилий ишлар тўғрисида гаплашиб олади. Бироқ бухоролик мутаассиб руҳонийларнинг ушбу мактабнинг ислом ақидаларига тўғри келмаслиги ва халқ учун зарарли эканлиги тўғрисидаги “ривоят”ларини Бухоро кўшбегисига етказганларидан кейин мактабни расмийлаштириш иши тўхтаб

¹ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 8-варак.

² Бухоройи шариф, 1912, 28 ноябрь.

³ Бехбудий М. Тартиб лозимдир / Бухоройи Шариф, 1912. -№.5, 16 март.

⁴ Ҳозирги Бухоронинг аҳволи // Садойи Туркистон, 1914, 12 июль.

⁵ Фатхуддинзода. 3. Илм ва тараққий // Ойина, 1914. -№ 17. -Б.313.

⁶ ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 20-варак.

⁷ Собитов дорилмуаллимини / Озод Бухоро, 1923. -№ 3. 21 октябрь.

қолади. Собитовнинг бухоролик болалар ҳам ўқиб турган татар мактаби Ҳомид Бурнашевнинг ҳовлисига кўчирилади ва бир йилга яқин шу тахлитда фаолият кўрсатади¹.

1908 йилнинг октябрь ойида Бухоронинг дарбозаи Саллоҳхона гузарида Мирзо Абдулвоҳид уйида форс тилида ўқиш олиб бориладиган янги усул мактаби расман очилади ва унга Мирзо Абдулвоҳид муаллим этиб тайинланади. 1911-1912 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида 57 та янги усул мактаблари фаолият кўрсатган². 1912 йилнинг 9 октябрида Чоржўйда Отаулла Хўжаевнинг мусулмон мактаби очилади. Бу мактабга Чоржўй ҳокими томонидан хайрия қилинганлигини 1912 йил 28 июндаги 1243 рақам остидаги кўшбеги фармонидан кўришимиз мумкин³. 1912 йилнинг охирларида Латиф Хўжа томонидан Говкушон маҳалласида янги мактаб очилади. Бухородаги расман иккинчи мактабни Мукомилиддин Бурҳонов очган бўлиб, унинг мактабида ўқийдиган ўқувчилар сони 40 нафардан ортиқ бўлган⁴. Учинчи мактабни Мулло Ҳамидхўжа Бозори Нав гузарида ўқитувчи уйида очади.

Бухоронинг жаҳид мактабларида товушли ўқитиш билан бирга, арифметика, география, табиатшунослик, табиий билим асослари, ўлик табиат (химия ва физика элементлари) ўқитилган⁵.

Янги усул мактаблари тарафдорлари “усули жаҳидчилар”, унга қарши бўлганлар эса “усули қадимчилар” деб ном олиб, улар ўртасида кескин кураш борган. Мутаассиб, диний уламолар амирга мактуб ёзиб, мактабларни ёпишни талаб қилишган: “Олампаҳоқ, бохабар бўлинг, сизнинг подшоҳлигингизга ноҳушлик бўлмасин”⁶ дея огоҳлантиришган. Янги усул мактаблари бирин-кетин ёпилиб, ўқитувчилари таъқибга олинади. Аммо жаҳидлар ташкил қилган янги усул мактабларининг ёпилиши амалий ишни тўхтата олмади. Чунки Бухоронинг илғор фикрли кишилари янги усул мактабларининг афзаллигини аллақачон англаб етган эдилар. Бухородаги янги усул мактаблари фаолиятини фаоллаштириш, услубий жиҳатдан такомиллаштиришда Туркистон жаҳидларининг ёрдами катта бўлган. беришган. Бу ҳолат Бухорода амирлик тузуми қизил армия томонидан ағдарилгунга қадар давом этди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухорода бошланғич таълим тизимини ислоҳ қилиш анъанавий мактабларни янгилаш эмас, балки янги усул мактабларини ташкил этиш орқали амалга оширилган. Бу мактабларнинг очилиши муҳим янгилик бўлиб, таълим тизимини ислоҳ қилишда дастлабки қадамлар эди.

¹ Бюллетень САГУ, вып.16. – Ташкент, 1927. -С.85.

² Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). -М.: Педнаука РСФСР, 1960. - С.260.

³ЎЗР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1988-иш, 1-варак.

⁴ Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон, 1991. -№ 4-6. – Б.20-21.

⁵ Ойна. 1914. -№ 14, 28 январь. – Б.85.

⁶ ЎЗР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 7-варак.

Улар оммавий тус олмади, таъқибга учради, аммо уларнинг очилиши ва фаолияти бу борадаги ислохотлар зарурлигини янада яққол намоён қилди.

III. ХУЛОСА

XIX аср охири ва XX асрнинг бошида Бухоро амирлигида таълим тизими тарихига оид маълумотлар ва тарихий манбалар таҳлили қуйидаги **хулосаларга** асос бўлди:

– Бухоро амирлигида таълим тизими тадқиқ этилаётган даврда ҳам ўтган асрлар анъанаси сингари бошланғич (мактаблар) ва юқори (мадраса) босқичларидан иборат эди. Бошланғич таълим муассасаларида асосан араб тили ва алифбосида савод чиқариш, ислом асосларини эгаллаш, ахлоқий тарбияга урғу берилган. Уларнинг моддий асосини вақф мулклари, айрим шахслардан тушган хайри-эҳсонлар ташкил этиб, асосан хусусий ва жамоа маблағлари ҳисобидан таъминланган. Улардаги шарт-шароит санитария-гигиена талабларига, таълим-тарбия услублари эса замон талабларига жавоб бермас эди. Хусусан, таълим жараёнида ҳарфлар ва матнларни араб тилида ёд олиш, ўқиш ва ёзишни алоҳида ўзлаштириш, тан жазоси каби ҳолатлар шулар жумласидан эди. Айти пайтда мактаблар то ислохотлар бошлангунга

қадар савод чиқариш, ахлоқий ва маънавий кадриятларни тарбиялашга хизмат қилган, ягона ўқув-тарбия муассасаси бўлиб келди;

– бу даврда ҳам Бухоро мадрасаларининг ислом дунёсидаги мавқеи ва нуфузи бир қадар сақланган. Жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, мадрасалар ўша вақтда давлатнинг ҳукмрон сиёсатига ва ислом таълимотига хизмат қилган. Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморчиликнинг энг нодир намунаси ҳисобланган. Мадрасадаги таълим тизими ҳокимиятнинг назаридан четда бўлмай, ўз олдида қўйилган вазифаларни мамлакатнинг тараққиёт даражасидан келиб чиқиб бажариб турган. Мадрасаларнинг молиявий-хўжалик таъминоти вақф мулкчилигига асосланган. Бухоро амирлиги мадрасаларининг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти масалалари давр талабига қай даражада жавоб беришидан қатъий назар, муайян фаолиятга эга бўлган;

– Бухоро амирлигида таълим тизимининг юқори босқичи бўлган мадрасалар шариат, таълим ва бошқарув тизимига кадрлар тайёрлаш, ислом асосларини ўрганиш, адабиёт, мантиқ каби фанларни чуқур ўргатувчи маскан сифатида нафақат Ўрта Осиёда, балки мусулмон дунёсида яхши маълум эди. Амирликдаги мадрасалар ҳам худди бошланғич мактаблар каби ўтган асрлар анъанаси асосида фаолият юритган. Бу даврда бошқа мусулмон мамлакатларида мадрасалар фаолияти, ўқув дастури фаол ислох қилинаётган бўлса-да, Бухоро мадрасаларида бу жараён деярли кузатилмади;

– Бухоро мадрасаларида ягона ўқув режаси ва ўқув дастурларининг амалда мавжуд эмаслиги, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига жавоб бермаслиги, таълимнинг маҳаллий халқ тилларида эмас,

балки араб тилида олиб борилганлиги, мактабхона таълими билан мадраса таълими ўртасида давомийлик принципларига риоя қилинмаганлиги, асосий фанлар эмас, шарҳ ва ҳошияларга зўр берилиши, мутаассиблар ва айрим уламоларнинг салбий таъсири туфайли мадраса таълими кутилган натижани бермай, ортида қолди;

– Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилишда тараққийпарвар кучларнинг маърифатпарварлик ғоялари фаолияти муҳим рол ўйнади. Ёш бухороликлар фирқаси фаоллари мамлакатда энг аввало бошланғич мактабларни ислоҳ қилиш, янги усул мактаблари очиш ғоялари билан чиқиб, уни амалга ошириш учун турли хайрия ташкилотлари ва ширкатлар очдилар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратдилар. Қрим, Қозон (Россия), Истанбул (Туркия) ва бошқа шаҳарларга бориб, илм олиб тажриба алмашиб келдилар. Бухоролик жадидларнинг мактаб ва маориф ишларини йўлга қўйишларида Исмоил Гаспиринский фаолияти, татар муаллимлари, Ёш турклар ҳаракати, Туркистон жадидларининг ёрдами катта рол ўйнади;

– Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган янги усул мактабларида ўқувчиларнинг усули савтия, яъни ҳарфларни товуш усулида ўқиш ва ёзиш орқали тезда савод чиқариши, машғулотларни синф-дарс тизимида уюштирилиши, диний билимлар қатори дунёвий билимларга катта эътибор қаратилиши, таътил ва имтиҳон тартибларининг жорий этилганлиги, ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш каби омиллар ўша давр учун катта янгилик эди. Аммо бу мактаблар амирликдаги диний мутаассиблар томонидан кескин қаршиликка учради ва ўз фаолиятини муваффақият билан давом эттириш имкониятига эга бўлмади.

Тадқиқот натижасида қуйидагича **таклиф** ва **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

– XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро мадрасалари ва бошланғич мактабларда ўз даврининг билимдон муаллим ҳамда мударрислари дарс беришган. Уларнинг аксарияти 1920 йил сентябрь ойида рўй берган амирликдаги монархияга қарши тўнтаришдан кейинги даврларда, XX аср 30-йилларидаги кулоқлаштириш сиёсати, худосизлик учун кураш, катта террор сиёсати ва қатағон даврида турли салбий омиллар туфайли таъқибга учраганлар. Бундай инсонларнинг номларини аниқлаб, ҳаёти ва фаолиятлари ҳақида тадқиқотлар яратиш лозим;

– Бухоро амирлигидаги таълим тизими ва унинг муаммолари хорижий тарихчилар томонидан ҳам ўрганилган. Мазкур муаммонинг хориж тарихшунослиги тадқиқ қилинса ва маҳаллий манбалар изчил равишда қиёсий ўрганилса фойдадан холи бўлмасди;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳужжатлари ҳамда Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси фондида сақланаётган маълумотларга таяниб, Бухоро амирлиги мактаб ва мадрасалари жойлашган жойлар билан боғлиқ харита, иллюстрациялар асосида фотоальбом, мультимедия, визуал маълумотлар тайёрлаш мумкин.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Бобожонова Ф. Аҳмад Дониш ғояларида маориф масалалари // Аҳмад Дониш - XIX асрнинг буюк мутафаккири ва тараққийпарвари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2007. II китоб. - Б. 24-26.
2. Бобожонова Ф. XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги мадраса тизими // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2007. -№ 2. - Б.30-35.
3. Бобожонова Ф. XX аср бошларида Бухородаги янги усул жадид мактаблари фаолияти тўғрисида // Филология ва услубиёт масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 2008. I китоб. - Б.101-104.
4. Бобожонова Ф. Бухоро мадрасалари – маънавият дурдоналари // Тарихий хотира – маънавият асоси. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2008. – Б. 44-46.
5. Бобожонова Ф. Бухоро амирлигидаги янги усул мактаблари // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2008. -№ 2.– Б. 21-25.
6. Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX асрнинг охири - XX аср бошларида) // Тарихий хотира – маънавият асоси. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2009. - Б.19-21.
7. Бобожонова Ф. Бухорода мадраса таълими тарихидан. // Тошкент Ислом Университети илмий – таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2009. -№ 3. - Б. 24-28.
8. Бобожонова Ф. Бухоро амирлиги даврида жадидчилик ҳаракати // Малака ошириш тизимида тарихий хотира ва педагогик-психологик асослар. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, 2009. - Б.7-8.
9. Бобожонова Ф. Бухоро тараққийпарварларининг таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлидаги фаолияти //Тарихий хотира – маънавият асоси. Республика илмий-назарий анжуман материаллари. – Бухоро, 2010. - Б.40-41.
10. Бобожонова Ф. Бухорода олий таълим ўтмиши тарихидан // Баркамол авлод - озод ва обод юрт таянчи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2010. - Б. 66-68.
11. Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида бошланғич таълим муаммолари // XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Бухоро. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2010. - Б.53-56.
12. Бобожонова Ф. Бухоро амирлигидаги янги усул мактаблари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. -№ 1. – Б.110-113.

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Бобожонова Феруза Хаятовнанинг 07.00.01. – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича “Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири–XX аср бошларида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Бухоро амирлиги, анъанавий мактаб, мактабхона, мадраса, вақф мулки, таълим тизими, талаба, мударрис, маърифатпарварлик, жадидчилик, ислохот, таълим жараёни.

Тадқиқот объекти: XIX аср охири – XX асрнинг бошида Бухоро амирлигида таълим тизими.

Ишнинг мақсади: Бухоро амирлиги ҳудудида XIX аср охири ва XX асрнинг бошида таълим тизими ва муаммоларини тадқиқ этиш.

Тадқиқот усуллари: тарихга цивилизация ёндашув асосида тарихий билишнинг махсус методлари: муаммоли-хронологик, қиёсий-таҳлилий, структурали тизим.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: диссертацияда XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги таълим тизими ва унинг муаммолари миллий истиқлол мафкураси асосида ўрганилган. Тадқиқотда фойдаланилган архив ҳужжатлари ва манбаларнинг асосий қисми илк бор илмий муомалага киритилди. Даврий матбуот материаллари ва хотиралардан мавзуга оид маълумотлар олинди. Бухоро амирлигидаги мавжуд анъанавий таълим тизими ва бошланғич таълим тарихий манбалар асосида ёритилди. Таълим тизимидаги муаммолар таҳлил этилди. Мадрасалар фаолияти, таъминоти, ўқитиш жараёнининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилди. Таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари ва бу ҳаракатда тараққийпарварларнинг ўрни ва роли архив манбалари ва бирламчи ҳужжатлар асосида тадқиқ этилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари ва илмий хулосалари Ўзбекистон тарихининг ушбу даврини янада чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади. Улардан олий ўқув юртлари талабалари учун махсус курслар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертациянинг асосий мазмуни тадқиқотчи томонидан эълон қилинган 4 та илмий мақола ҳамда 8 та илмий анжуманлардаги тезисларда ўз аксини топган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижаларидан “Ўзбекистон тарихи” фанидан турли ўқув қўлланмалари тайёрлашда ва махсус курслар ўқишда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Бобожоновой Фирузы Хаятовны на тему: «Система образования в Бухарском эмирате (конец XIX – начало XX века)» на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01 – История Узбекистана.

Ключевые слова: Бухарский эмират, традиционная школа, медресе, мактаб, вакуфная собственность, система образования, ученик, мудеррис, джадидизм, реформа, образовательный процесс.

Объект исследования: система образования в Бухарском эмирате конца XIX – начала XX в.

Цель работы: по этапный анализа процесса и проблем системы образования в Бухарском эмирате в конце XIX – начале XX в.

Методы исследования: в процессе работы на основе цивилизационного подхода к изучению истории были использованы следующие методы: проблемно-хронологический подход синхронный и сравнительный анализ, системно-структурный метод.

Полученные результаты и их новизна: в диссертации проблема системы образования Бухарского эмирата освещена на основе идеи национальной независимости. Большая часть архивных материалов, использованных в исследовании, в первые введены в научный оборот. В диссертации также использованы материалы периодической печати, мемуары, имеющие непосредственное отношение к изучаемой проблемы. В диссертация впервые на основе широкого круга источников поэтапно освещена начальная и высшая система образования их проблемы и попытки реформирования.

Практическая значимость: полученные результаты исследования и научные заключения способствуют более глубокому изучению проблем общественной, духовно-культурной жизни Узбекистана в рассматриваемый период.

Степень внедрения и экономическая эффективность: главное содержание диссертации нашло отражения в 4 научных статьях и 8 тезисах на научных конференциях.

Область применения: приведенные в диссертации сведения могут быть использованы в создании спецкурсов, учебно-методической литературы по истории культуры и образования в Узбекистане.

RESUME

Thesis Bobojonova Feruza Khayatovna on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in history on speciality 07.00.01-History of Uzbekistan on the subject: “Educational system in the Bukhara emirate” “Educational system in the Bukhara emirate (at the end of the XIX country and at the beginning of the XX centuries)”

Key words: Bukhara emirate, traditional school, medressah, educational system, student, teacher, enlightenment, jadidizm, reform, process of education.

Subjects of research: to reveal the problems of educational system in the Bukhara emirate at the end of the XIX country and at the beginning of the XX century.

Purpose of work: studying the educational system in Bukhara emirate at the end of the XIX and at the beginning of the XX centuries, and Showing the problems in the sphere of education.

Methods of research: special methods of historical knowledge on the base of civilizational approach to the history: problematic and chronological, comparative and analytical, structural system.

The results achieved and their novelty: educational system and its problems in the Bukhara emirate at the end of the XIX country and at the beginning of the XX century are revealed on the base national ideology. The great part of the archive materials used in the research is included in science for the first time. Some materials on the theme were taken from the periodic press materials and day-books. The traditional educational system which existed in the Bukhara emirate, initial educational system were revealed on the base of sources. Problems in the educational system were analized. There were shown activity, provision of medressahs and peculiarities of their educational process.

The problems of reforming the educational system and the role jadids in this movement were explored on the base of archive sources.

Practical value: the results of the research and scientific conclusions serve to learn the history of Uzbekistan much deeper. They may be used in compiling special courses, text-books and educational aids for students of higher educational institutions.

Degree of embed and economic effectivity: the main content of the dissertation was represented in 12 scientific articles and other articles at conferences written by the researcher.

Field of application: the results of the research server as a theoretical manual for the specialists who study the history of Uzbekistan.